2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 264 (1053), 2023 йил 20 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 19 декабрь куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофотни тантанали топшириш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз кутиб олди.

Дастлаб “Tashkent city” халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ифодаловчи монументнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний иштирок этди.

Тадбирда БМТ Бош котибининг ёрдамчиси Александр Зуев ва хорижий мамлакатларнинг расмий шахслари ҳам қатнашди.

Кафти очиқ қўл кўринишида металлдан ишланган ушбу ўн икки метрлик композиция ҳалоллик, пок амал ва ниятларни, коррупцияга нисбатан мутлақ тоқатсизликни, дунёнинг барча мамлакатларини унга қарши курашишда бирлашишга чақириқни англатади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Тошкент шаҳридаги Конгресс марказида Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида иштирок этди.

Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари, 40 дан зиёд мамлакат делегациялари, шу жумладан, ушбу халқаро мукофот совриндорлари қатнашди.

Қайд этиш лозим, Қатар Амири ташаббуси билан таъсис этилган мукофот билан 2016 йилдан буён ҳар йили глобал миқёсда коррупцияга қарши курашга қўшган ҳиссасининг эътирофи сифатида таниқли жамоат арболари, экспертлар ва журналистлар тақдирлаб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари форум иштирокчиларини қутлар экан, Қатар Амири ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасига тадбирни Ўзбекистонда ўтказиш таклифи учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон етакчиси бугунги кунда Қатар глобал ҳамкорлик ва дипломатия марказига айланиб бораётганини, юксак савияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати, Кам ривожланган давлатлар бўйича халқаро конференция ва “Экспо Доҳа — 2023” бутунжаҳон кўргазмаси, кўплаб халқаро ташаббуслар бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги тадбир ҳам мақсадларимиз уйғун ва ҳамоҳанг эканининг ёрқин рамзий ифодасидир.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал мукофотнинг таъсис этилгани ва уни топширишга бағишланган маросимлар барча қитъаларда ўтказиб келинаётгани юксак эътирофга сазовордир.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Амир Аъло Ҳазратлари!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун азим Тошкент шаҳрида Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида сизларни кўриб турганимдан беҳад хурсандман.

Янги Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Авваламбор, ушбу тантанали тадбирни юртимизда ўтказиш бўйича таклифлари ва яқиндан кўрсатган кўмаклари учун мазкур нуфузли мукофот асосчиси, қадрли биродарим Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Аъло Ҳазратларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасига чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманда иштирок этаётган қатарлик дўстларимизни ва улар сиймосида ушбу мамлакат халқини кеча кенг нишонланган Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этаман.

Таъкидлаш ўринлики, Амир Аъло Ҳазратларининг оқилона раҳбарлиги остида сўнгги йилларда Қатар Давлати янгиланиш руҳи билан яшамоқда, мамлакатда катта ўзгаришлар амалга ошириляпти, оламшумул ва буюк ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунга бетакрор Доҳага ташрифим чоғида ўзим шахсан амин бўлдим.

Юксак савияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати, Кам ривожланган давлатлар бўйича халқаро конференция ва “Экспо Доҳа — 2023” бутунжаҳон кўргазмаси, кўплаб халқаро ташаббуслар Қатарнинг глобал ҳамкорлик ва дипломатия марказига айланиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу ўринда давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар бизнинг фаол мулоқотларимиз натижасида мутлақо янги босқичга кўтарилганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман. Биз биргаликда катта лойиҳаларни бошладик. Бугунги тадбир айнан юртимизда ўтказилаётгани эса мақсадларимиз уйғун ва ҳамоҳанг эканининг ёрқин рамзий ифодасидир.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Албатта, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал мукофотнинг таъсис этилгани ва уни топширишга бағишланган маросимлар барча қитъаларда ўтказиб келинаётгани юксак эътирофга сазовордир.

Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир.

Ушбу нуфузли мукофот орқали коррупцияга қарши курашишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган жаҳондаги энг фаол шахсларнинг эътироф этилиши бундан роппа-роса 20 йил аввал қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси талабларини ҳаётга изчил ва тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Башарият тарихига назар солсак, коррупция иллати ҳатто энг қудратли ва энг кучли давлатларни ҳам жар ёқасига олиб келганига ва тўлиқ пароканда қилганига гувоҳ бўламиз.

Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдиддир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказади.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда. Аммо мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди, деб ҳисоблайман. Энг ёмони — жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Мазкур ўткир муаммонинг оқибатларини чуқур англаган ҳолда, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислоҳотларни тизимли амалга оширмоқдамиз. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиб, махсус ваколатли Агентликни ташкил этдик. Ҳукумат фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни амалиётга кенг жорий этяпмиз. Хусусан, барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро Очиқ маълумотлар хартиясига аъзо бўлди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармоқ, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш тармоғининг Котибияти вазифасини бажармоқда.

Ҳар йили Тошкентда анъанавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз “Transparency International” индексида 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнимизни яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини кўзлаганмиз. “Open Data Inventory” рейтингида эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилдик. Очиқ маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўриндан жой олган.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Демократик ислоҳотлар ортга қайтмас тус олган Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз.

Бу масъулиятли ва муросасиз кураш йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ва барча халқаро ҳамкорларимиз билан биргаликда бор кучимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Биринчидан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этамиз. Давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берамиз.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларда фаол қатнашамиз. Бу борада ўтган ойда Тошкентда ишга тушган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланмоқчимиз.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб этган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этишни таклиф этаман.

Учинчидан, биз Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлигини кучайтириш орқали унинг салоҳият ва имкониятларини янада оширамиз. Энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилинади, жумладан, коррупция ҳолатлари бўйича “дастлабки ўрганиш” — коррупцион суриштирув институти жорий этилади.

Тўртинчидан, онги ва қалби болаликдан “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган янги авлодни камолга етказиш устувор вазифамиздир. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этишдан манфаатдормиз.

Бешинчидан, коррупцияга қарши курашишдек мураккаб жараёнларда энг олдинги сафларда бораётган оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида қадрлаймиз.

Шу маънода, бизнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумни ўтказиш таклифимизни сизлар қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Мазкур халқаро мукофот билан тақдирланган барча шахслар илк бор бир жойга жамланган ва улар иштирокида ташкил этилаётган Ғолиблар учрашуви ҳам катта аҳамиятга молик воқеликдир.

Ўз тараққиёт ютуқларини ва фойдали сармояларини дунё халқлари билан баҳам кўраётган, коррупцияга қарши курашда ғайрат ва шижоат кўрсатаётган Қатар Амирининг глобал даражадаги саъй-ҳаракатлари барчамизнинг эзгу интилишларимиз билан бирлашиб, албатта, ўзининг улкан ижобий натижаларини беради.

Ушбу мавзуга бағишлаб ўрнатилган монументдаги коррупцияни тўхтатиш учун кўтарилган очиқ қўллар каби бугунги анжуманда иштирок этаётган, адолат йўлидаги қатъиятли ва толмас қаҳрамонларимиз қўлларини пок қалб ва виждон амримиз билан маҳкам тутамиз. Олиб бораётган шарафли ишларингизда сизлар билан доимо биргамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, нуфузли мукофотнинг барча совриндорларини чин қалбимдан қизғин табриклайман.

Анжуманимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга яна бир бор чуқур ташаккур изҳор этаман.

Барчангизга масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, янги муваффақиятлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

— Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу нуфузли мукофот орқали коррупцияга қарши курашишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган жаҳондаги энг фаол шахсларнинг эътироф этилиши 2003 йилда қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси талабларини ҳаётга изчил ва тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдид эканини қайд этди.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда. “Аммо мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди, деб ҳисоблайман”, деди Ўзбекистон етакчиси.

Бугун Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш жараёнида ҳуқуқий ва институционал ислоҳотларни тизимли амалга ошираётгани, БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётгани таъкидланди. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, махсус ваколатли Агентлик ташкил этилган.

Ҳукумат фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Хусусан, барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро Очиқ маълумотлар хартиясига аъзо бўлди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармоқ, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш тармоғининг Котибияти вазифасини бажармоқда.

Ҳар йили Тошкентда анъанавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз “Transparency International” индексида 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнимизни яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини кўзлаганмиз.

“Open Data Inventory” рейтингида эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилдик. Очиқ маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўриндан жой олган.

— Демократик ислоҳотлар ортга қайтмас тус олган Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Уларга эришиш мақсадида Президентимиз қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Энг аввало, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилади.

Унда давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва уларда фаол қатнашади. Бу борада ўтган ойда Тошкентда ишга тушган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланилади.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб этган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш таклиф қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлиги кучайтирилади, бу унинг салоҳиятини янада оширади. Энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилинади, жумладан, коррупция ҳолатлари бўйича “дастлабки ўрганиш” — коррупцион суриштирув институти жорий этилади.

Болаликдан “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган янги авлодни камолга етказиш устувор вазифа сифатида қайд этилди. БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумни ўтказиш таклифини билдирди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари нуфузли мукофот билан тақдирланганларни дилдан қутлаб, уларга адолатни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Президенти Қатар Амири билан биргаликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофотни унинг эгаларига тантанали топширди.

“Коррупцияга қарши курашдаги ютуқлар” номинациясида “Transparency International” халқаро ташкилотининг собиқ раиси Хосе Карлос Угас Санчес Морено (Перу) совриндор бўлди.

“Таълим ва академик тадқиқотлар” номинациясида Сингапур Миллий университети собиқ профессори Джон Куа (Сингапур) ва Загреб университети профессори Сунчана Роксандич (Хорватия) ғолиб бўлди.

“Коррупцияга қарши курашишда ёшлар ижоди ва фаоллиги” учун мукофотлар “Youth4IntegrityBuilding” нодавлат ташкилотига (Кения) — директор Дамарис Асвега ҳамда “All4Integrity” нодавлат ташкилотига — асосчиси Андре Корреа Д’Альмейдега топширилди.

“Инновациялар ва журналистик суриштирувлар” номинациясида суриштирувчи мухбир Клэр Рюкасл-Браун (Буюк Британия) ва Буюк Британия Халқаро тараққиёт вазирлиги коррупцияга қарши курашиш бўлимининг собиқ раҳбари Фил Мейсон совриндор бўлди.

“Спортни коррупциядан ҳимоя қилиш” номинациясида мукофотларга журналист ва “BBC” бошловчиси Вайхига Мваура (Кения) ва “Central European News” ахборот агентлиги муҳаррири Шантану Гуха Рэй (Ҳиндистон) муносиб топилди.

Тантанали маросимдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний учрашув ўтказдилар.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Амир ҳамда дўст Қатар халқини миллий байрами — Мустақиллик куни билан самимий қутлади.

Қатар Амири, ўз навбатида, Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофотни топшириш маросими юксак савияда ташкил этилгани ҳамда кўрсатилаётган илиқ меҳмондўстлик учун мамлакатимиз етакчисига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражаларда фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йилда Тошкент ва Доҳа шаҳарларида икки мамлакат дипломатик ваколатхоналари очилди. Ўзаро савдо ҳажми ошмоқда, Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик лойиҳалар бошланди.

Учрашувда янги қўшма инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, “яшил” энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани ривожлантириш, банк-молия, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм соҳаларида илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт ва логистика борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш йўллари кўриб чиқилди. Хусусан, Қатар томони Трансафғон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

2024 йилда Доҳа шаҳрида қўшма Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлик кенгашининг биринчи йиғилишларини, икки мамлакат бизнес форумини ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар келгуси йилда маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Эришилган келишувлар ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қатар етакчилари икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари даражасида Мувофиқлаштириш кенгашини тузиш лозимлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда БМТ шафелигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

БИЗ ВА ДУНЁ

ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТАҚДИМОТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИДИР

Хорижий экспертлар ва халқаро мукофот совриндорлари Қатар Амири таъсис этган Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофот билан тақдирлаш маросими ҳақида

19 декабрь куни Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди ва Тошкентда Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида иштирок этди.

Минтақамиз учун муҳим воқеа сифатида эътироф этилаётган мазкур глобал тадбир хорижий эксперт доиралари вакилларининг алоҳида қизиқишига сабаб бўлаётир. Шунингдек, халқаро мукофотнинг янги совриндорлари ҳам ўз фикрларини билдирмоқда.

Игорь ШЕСТАКОВ, сиёсатшунос (Қирғизистон):

— Ўзбекистонда давлат органларининг коррупцияга қарши кураши Марказий Осиё мамлакатлари учун намуна бўлиши мумкин, чунки 2017 йилдан бошлаб мамлакатда амалдорлар томонидан хизматга оид ҳуқуқбузарликларни камайтиришга қаратилган туб ислоҳотлар бошланди.

Ўзбекистон 6 йил давомида етакчи халқаро ташкилотларнинг баҳо ва рейтингларида бундай жиноятларни камайтириш бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллаб келаётгани бежиз эмас. Бу мамлакатда коррупцияга қарши тизимли кураш олиб борилаётганидан далолат беради. Маълумки, коррупция ижтимоий соҳага, иқтисодиётга тузатиб бўлмайдиган зарар етказади, хорижий инвесторларни жалб қилишга тўсиқ бўлади ва давлат идораларини обрўсизлантиради.

Шу муносабат билан Тошкентда Коррупцияга қарши кураш бўйича юксак халқаро мукофотни топшириш маросимининг ўтказилиши Ўзбекистоннинг бу борадаги юксак натижалардан далолат беради.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш модели ҳақида гапирганда, мамлакатда давлат органларини рақамлаштириш амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, фуқаролар мурожаат қилиши мумкин бўлган Халқ қабулхоналари амалиёти ҳам ўзини оқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида нафақат мамлакат ҳукумати томонидан бугун амалга оширилаётган тадбирлар ва қарорларга, балки ёшлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Давлат келажаги ана шу омилга боғлиқ бўлиб, кўриб турганимиздек, тўғри йўналишда ва мавжуд қонунчилик доирасида ривожланишга интилмоқда.

Муҳаммад Реза Абеш АҲМАДЛУ, “Iran Daily” газетаси мухбири (Эрон):

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қатар ўртасида ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтириш жараёни кузатилмоқда. Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг шу йил июнь ойида Самарқандга ташрифи ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг октябрь ойида Доҳага жавоб ташрифи, шунингдек, доимий дипломатик ваколатхоналар очилгани икки давлатнинг кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истаги юқори эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон ва Қатар ўзаро савдони ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Коррупцияга қарши курашиш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича тажриба алмашиш, энергетика, кимё, транспорт коммуникациялари, қурилиш, туризм, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Шунингдек, коррупция глобал муаммога айланган бугунги дунёда унга қарши қатъий кураш олиб бораётган давлатлар билан ҳамкорликка интилиш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Коррупцияга қарши кураш агентлигининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиши бу йўналишдаги ўзгаришлардан далолатдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳага ташрифи доирасида Ўзбекистон Коррупцияга қарши кураш агентлиги ҳамда Қатар Маъмурий назорат ва шаффофлик департаменти ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Меморандумнинг имзоланиши коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда Қатар Амири ташаббуси билан таъсис этилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мазкур мукофотни топширишга бағишланган тантанали маросимнинг Тошкентда ўтказилиши эса Ўзбекистон Президенти сиёсий иродаси билан коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилган улкан ишлар, умуман, ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилганининг ёрқин далилидир.

Рой Энтони РОЖЕРС, Малая университети қошидаги Осиё ва Европа институти директори ўринбосари (Малайзия):

— Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг Тошкентда навбатдаги учрашуви савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қўшимча суръат бағишлаши шубҳасиз. Ҳар икки давлат ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш ва қўшма таълим дастурларини амалга оширишдан манфаатдор эканини тасдиқлади.

Ташриф муҳим халқаро воқеа — Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимига ҳам тўғри келгани қувонарлидир.

Тадбирнинг ўтказиш жойи сифатида Ўзбекистон танланиши бежиз эмас. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий динамикаси кузатилмоқда. Сўнгги бир неча йил ичида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши самарали курашиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, тегишли агентлик тузилди, барча давлат идораларида мувофиқликни назорат қилиш ва самарадорлик рейтинги тизимлари йўлга қўйилди, давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Ўзбекистон раҳбарининг коррупцияга қарши курашга бағишланган муҳим тадбирда билдирган таклифларини ўз вақтида ва долзарб, деб биламан. Улар орасида 2030 йилгача коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш, Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумни ўтказиш таклифларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ишончим комилки, мазкур ташаббусларнинг амалга оширилиши миллий, минтақавий ва глобал миқёсда коррупцияга қарши курашга муҳим ҳисса қўшади.

Энди НГУЕН, “CPG Corporation” корпорациясининг бизнесни ривожлантириш бўйича вице-президенти (Сингапур):

— Ушбу ташрифнинг ўзига хослиги ва стратегик аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак. Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга иккинчи марта амалга оширган мазкур ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора ривож топиб бораётганидан далолат беради.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида Қатар Амирининг иштирок этиши халқаро майдонда ошкоралик ва адолат тамойилларини илгари суришдан икки давлат ҳам манфаатдор эканини тасдиқлайди. МДҲ ҳудудида илк бор ўтказилаётган ушбу тадбир Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро сиёсатдаги муҳим иштирокчи сифатидаги ролини ҳам таъкидлайди.

Мамлакатлар ўртасида имзоланган кўплаб икки томонлама ҳужжатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон — Қатар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳамкорликда янги даврни бошлаб, қўшма лойиҳалар учун истиқболларни очмоқда.

Икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми маданият ва гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорликдир. Масалан, Қатарда ўтказиладиган Ўзбекистон маданияти кунлари ўзбек маданиятининг бойлиги ва ранг-баранглигини намойиш этади, шунингдек, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу ташриф ҳамда унинг доирасида бўлиб ўтган тадбирлар Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлиб, бу икки мамлакатда иқтисодий ўсиш ва сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хосе Карлос Угас Санчес МОРЕНО, “Коррупцияга қарши курашдаги ютуқлар” номинацияси ғолиби (Перу):

— Ўзбекистон кейинги бир неча йил ичида “Transparency International” рейтингида 42 поғонага кўтарилди, 2030 йилга бориб эса яна 50 поғонага кўтарилиш режалаштирилган.

Бугун Тошкентда ўтказилган Коррупцияга қарши кураш бўйича юксак халқаро мукофотнинг тақдимоти Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани тасдиғидир. Коррупцияга қарши курашда мамлакатда тизимли ҳуқуқий ва институционал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Масъул шахслар ва тузилмалар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган профилактик механизмлар амалиёти кенг жорий этилмоқда, давлат хизматлари кўрсатишда бюрократия камаймоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар эса коррупция ҳолатларининг камайишида муҳим омил бўлаётир.

Шантану Гуха РЭЙ, “Спортни коррупциядан ҳимоя қилиш” номинацияси ғолиби, “Central European News” ахборот агентлиги муҳаррири (Ҳиндистон):

— Бугун ушбу мукофотни олганимдан мамнунман. Бу жуда катта шарафдир. Чунки журналистлар қўлга кирита оладиган халқаро мукофотлар унчалик кўп эмас. Ушбу мукофот меҳнатимнинг эътирофини ифодалайди ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида коррупцияни йўқ қилишга қарши машаққатли ишимни давом эттиришимга куч бағишлайди.

Ана шу тинимсиз кураш рамзи сифатида Тошкентда коррупцияга чек қўйиш учун кўтарилган очиқ кафтни ифодаловчи ушбу мавзуга бағишланган монументнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

“Дунё” АА

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 18 декабрь куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Муҳим жараён

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг кўламли, дадил ва изчил ислоҳотларнинг устувор вазифалари ва асосий йўналишларидан бири инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ва кенг таъминлашдан иборат. Ислоҳотлар жараёнида янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган энг илғор демократик тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини, сайлов ҳуқуқини янада кенгроқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда сайлов қонунчилигининг муттасил такомиллаштириб борилиши — эркин демократик давлатга хос жуда муҳим, мантиқий, адолатли ва зарурий жараён. Мамлакатимизда эркин ва адолатли сайловлар ва референдумларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида бой тажриба тўпланган.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг жамоатчилик иштирокидаги кенг муҳокамалардан сўнг қабул қилиниши мамлакатимизда тобора мустаҳкамланиб бораётган демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Ушбу конституциявий қонунга биноан жами еттита қонун ҳамда битта кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонунлар ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Сайлов кодекси шулар жумласидандир.

Янги тизим — янги имкониятлар

Янги конституциявий қонунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизимини жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, энди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайлови аралаш сайлов тизими асосида ўтказилади. Қуйи палата депутатларининг 50 фоизи, яъни 75 нафари одатдагидек можаритар сайлов тизимига мувофиқ бир мандатли сайлов округларидан сайланади. Қолган 50 фоизи, яъни 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида ягона сайлов округида партиялар томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхати (партия рўйхати) бўйича сайланади.

Демак, энди сайловчи сайловда иккита бюллетен орқали овоз беради: биринчисида аниқ бир номзодга овоз берса, бошқасида ўзи ишонган сиёсий партияни белгилайди.

Бу — мамлакатимизнинг миллий сайлов тизими тарихидаги ғоят муҳим янгилик. Аралаш сайлов тизимининг афзаллиги — ўзида амалдаги можаритар ва пропорционал сайлов тизимларининг энг илғор тамойилларини уйғунлаштирганида. Бошқача айтганда, бир-бирини тўлдиради. Аёнки, можаритар сайлов тизими асосида муваффақият қозона олмаган партияларга ўзлари олган овозларга мутаносиб равишда депутатлик ўринларини олишга ҳамда жамиятда ҳақиқий кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Амалиётга жорий этилаётган пропорционал сайлов тизимида сайловчи депутатликка номзодга эмас, балки сиёсий партияларга овоз беради. Қонунчилик палатасидаги эллик фоиз депутатлик ўринлари эса сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партияларнинг депутатликка номзодлар рўйхатлари ўртасида тақсимланади.

Амалдаги сайлов қонунчилигига кўра, сиёсий партиялар ҳар бир сайлов округи бўйича аниқ номзодни илгари сурарди. Сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг эллик фоизидан ортиғи уларга ёқлаб овоз бергандагина депутат этиб сайланиши мумкин эди. Жумладан, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун бир юз элликта ҳудудий сайлов округи тузилиб, уларнинг ҳар биридан бир нафардан депутат сайланарди.

Можаритар сайлов тизимида сиёсий партиялар фаолиятини самарали ривожлантириш, уларни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг қудратли воситасига айлантиришга монелик қилувчи муайян муаммолар мавжудлиги ҳам сир эмас.

Қолаверса, можаритар тизимда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг ҳеч бири сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмаслиги мумкин. Бу эса такрорий овоз беришни ўтказиш, қўшимча ташвиш ва харажат демакдир. Жумладан, 2019 йилдаги парламент сайловида 25 округда такрорий овоз бериш ўтказилган.

Бундан ташқари, бўшаб қолган депутатлар ўрнини тўлдириш учун сайлов комиссиялари фаолиятини қайтадан тиклаш зарур. Бу эса минглаб одамларни яна сайлов комиссиялари ишига жалб қилиш, сайловчиларни яна овоз беришга даъват этиш билан боғлиқдир. Пропорционал сайлов тизимининг афзаллиги — бундай ҳолатларда партия томонидан кўрсатилган рўйхат бўйича навбатдаги номзод депутатлик ўрнини эгаллайди. Партиялар томонидан шакллантирилган рўйхатлар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинади.

Сиёсий партиялар фаоллиги

Таъкидланганидек, янги қонунга биноан, энди сиёсий партиялар бир мандатли сайлов округлари бўйича депутатликка етмиш беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан депутатликка биттадан номзод кўрсатишга ҳамда партия рўйхати бўйича етмиш беш нафардан кам бўлмаган, юз нафардан кўп бўлмаган депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир.

Бир мандатли сайлов округларида айни бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин.

Партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилмайди. Бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар партия рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади.

Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар 5 номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Сиёсий партия тақдим этган рўйхат Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Рўйхатдан жой олганларга депутатликка номзод мақоми берилади.

Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади.

Сайловнинг аралаш тизими, аввало, сайловчилар, қолаверса, сайланувчилар ва сайлов ташкилотчилари учун ҳам янги, янада кенг қулайлик ва имкониятлар яратади.

> **ЯНГИ ҚОНУНГА БИНОАН, ЭНДИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ДЕПУТАТЛИККА ЕТМИШ БЕШ НАФАР НОМЗОД, ЯЪНИ ҲАР БИР САЙЛОВ ОКРУГИДАН ДЕПУТАТЛИККА БИТТАДАН НОМЗОД КЎРСАТИШГА ҲАМДА ПАРТИЯ РЎЙХАТИ БЎЙИЧА ЕТМИШ БЕШ НАФАРДАН КАМ БЎЛМАГАН, ЮЗ НАФАРДАН КЎП БЎЛМАГАН ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД КЎРСАТИШГА ВАКОЛАТЛИДИР.**

Юксалиш: самара ва сифат

Янги қонун билан Сайлов кодекси ва референдумга оид қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан, мамлакатимизда марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизими жорий этилади. Бу янги таҳрирдаги Конституция нормаларини сайлов ва референдум қонунчилигига жорий этиш орқали мавжуд бўшлиқларни тўлдириш ва тафовутларни бартараф этиш имконини беради.

Бошқача айтганда, мамлакатимизда сайлов комиссиялари тизими ҳам давр талаби ва демократик тамойиллар асосида такомиллаштирилмоқда. Миллий сайлов комиссияларининг янги тизими қуйидагича ташкил этилади: Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари, туман/шаҳар сайлов комиссиялари, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари, шунингдек, участка сайлов комиссиялари. Ушбу вертикал тизимга Марказий сайлов комиссияси бевосита бошчилик қилади.

Тизимдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш ва тафовутларни бартараф этиш зарурати Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва экспертларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан 2022-2023 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган ўрганишлар натижасида, айниқса, яққол намоён бўлди. Жумладан, сайлов қонунчилигини амалиётда қўллашда айрим жойларда турлича ёндашув мавжудлиги, ягона намунадаги сайлов ҳужжатларига эътибор сустлиги, ҳужжатларни шакллантириш, юритиш ва сақлаш амалиётида турлича ёндашувлар йўқ эмаслиги маълум бўлди.

Марказлашган сайлов комиссиялари вертикал тизимининг жорий этилиши бундай муаммоларнинг олдини олиш имконини беради. Сайлов комиссиялари ва бошқа ташкилотчилар томонидан барча даражадаги сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда миллий сайлов қонунчилигининг бир хилда қўлланилиши ва демократик сайлов стандартларига асосланган ягона сайлов амалиёти шаклланишига хизмат қилади.

Янги тизимга биноан, Марказий сайлов комиссиясининг вазифалари ва ваколатлари кўлами сезиларли даражада кенгаймоқда. Шулардан келиб чиқиб, энди МСК таркиби доимий асосда фаолият юритувчи тўққиз аъзодан, камида бир нафари Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат бўлади. Айни пайтгача МСКда 21 аъзонинг 7 нафари доимий, 14 нафари эса жамоатчилик асосида фаолият юритар эди.

МСКнинг жамоатчилик асосида фаолият юритган аъзолари жойларда давлат бошқарув органлари, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётгани сабабли Марказий сайлов комиссияси фаолиятида ҳар доим ҳам фаол иштирок эта олмасди.

Марказий сайлов комиссиясининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари институти тугатилиши ва марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизими жорий этилиши халқаро сайлов стандартлари, кўплаб хорижий давлатлар сайлов қонунчилиги ва амалиётига мосдир.

Энг муҳими, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг профессионаллик даражаси янада ошиб, мустақиллиги таъминланиши, комиссия аъзолари ўртасида вазифалар унумли тақсимланиши, пировардида комиссия фаолияти самарадорлиги ортишига хизмат қилади.

Эндиликда Марказий сайлов комиссияси раиси беш йил муддатга сайланади. Айни бир шахс мазкур лавозимга сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, мамлакатимиз тарихида биринчи марта барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий сайлов комиссиялари тузилади. Уч нафарга қадар аъзоси доимий асосда фаолият юритадиган ушбу сайлов комиссияларининг вазифаларини амалга ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатига киради.

Қанча депутат сайланади?

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларидаги депутатлик ўринларида ҳам муайян ўзгаришлар юз беради. Энди депутатлик ўринлари сони аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, тегишли маҳаллий кенгаш томонидан қуйидагича белгиланади:

— аҳоли сони 2 миллионгача бўлган ҳудудларда — 30 тадан 40 тагача;

— аҳоли сони 2 миллиондан 3 миллионгача бўлган ҳудудларда — 40 тадан 50 тагача;

— аҳоли сони 3 миллиондан ортиқ бўлган ҳудудларда — 50 тадан 60 тагача.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик ўринлари сони аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, тегишли маҳаллий кенгаш томонидан қуйидагича белгиланади:

— аҳоли сони 30 минггача бўлган ҳудудларда — 10 тадан 15 тагача;

— аҳоли сони 30 мингдан 100 минггача бўлган ҳудудларда — 15 тадан 20 тагача;

— аҳоли сони 100 мингдан 300 минггача бўлган ҳудудларда — 20 тадан 25 тагача;

— аҳоли сони 300 мингдан ортиқ бўлган ҳудудларда — 25 тадан 30 тагача.

Илгари халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларида тенг тартибда — олтмиш нафаргача, туман ва шаҳар кенгашларида эса ўттиз нафаргача депутатлик ўрни бўлган.

> **САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРГА КЎРА, ЭНДИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ САЙЛОВИ АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ. ҚУЙИ ПАЛАТА ДЕПУТАТЛАРИНИНГ 50 ФОИЗИ, ЯЪНИ 75 НАФАРИ ОДАТДАГИДЕК МОЖАРИТАР САЙЛОВ ТИЗИМИГА МУВОФИҚ БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАН САЙЛАНАДИ. ҚОЛГАН 50 ФОИЗИ, ЯЪНИ 75 НАФАРИ ПРОПОРЦИОНАЛ САЙЛОВ ТИЗИМИ АСОСИДА ЯГОНА САЙЛОВ ОКРУГИДА ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ДЕПУТАТЛИККА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ (ПАРТИЯ РЎЙХАТИ) БЎЙИЧА САЙЛАНАДИ.**

Ягона сайлов округи нима?

Сайлов кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун эса етмиш бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича бир мандатли сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар беш йилда бир марта тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича бир мандатли сайлов округлари чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилиши инобатга олиниб, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда белгиланади.

Шунингдек, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича бир мандатли сайлов округлари тегишли ҳудудий, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан, қоида тариқасида, сайловчилар сони тенг ҳолда ҳар беш йилда бир марта тузилади.

Сайлов участкалари ҳам туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан беш йил муддатга тузилади.

Марказий сайлов комиссияси энди Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови билан бир қаторда, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни ҳам ташкил этади. Сайлов комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди. Маҳаллий кенгашлар сайловига доир сайлов бюллетени шакли ва матни намунаси ҳам энди Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Вазифалар аниқ

2023 йил ҳам мамлакатимиз тарихидан демократик янгиланиш ва буюк ўзгаришлар даври сифатида жой олмоқда. Инсонпарварлик миллий давлатчилигимизнинг энг асосий мезонига айланди.

Қомил ишонч билан айтиш мумкинки, бу “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган, халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратишга қаратилган ислоҳотларнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

“Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун!” деган ҳаётбахш демократик ғояни ўзида мужассам этган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда сайлов соҳасидаги ислоҳотларнинг янги, янада юксак ва самарали даврини бошлаб берди.

Эндиги вазифамиз, янги қонунда белгиланганидек, миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда, аввало, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ҳамда ижросини собитқадамлик билан таъминлашдан иборат.

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ

СИРДАРЁ САЛОҲИЯТИ

ёхуд туб бурилишлар одамлар ҳаёти ва ҳудуд иқтисодиётига нечоғлиқ таъсир кўрсатаётгани ҳақида

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзгаришлар таққосларда, таҳлилларда яққолроқ намоён бўлади. Ушбу жараёнда ҳар биримиз иштирок этишимизни инобатга олсак, бугунги ўзгаришлар шундоққина кўз ўнгимизда рўй бермоқда. Буни турмушимиз — кўчамиз, маҳалламиз, йўлларимиз мисолида кўриб-билиб турибмиз. Мамлакатимизда инсон қадри, унинг манфаати йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади шу — одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш. Ана шу тамойиллар туфайли эндиликда ислоҳотлар, амалий ҳаракатлар айнан жойларга, маҳаллаларга кўчди. Давлат хизматчилари хонасидан чиқди, кўпроқ одамлар орасида бўлишга ҳаракат қилмоқда. Натижада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга жойида ечим топиш учун шароит яратилди.

Булар, эҳтимол, баландпарвоз гаплардек туюлиши мумкин. Тўғри, муаммолар, аҳолини қийнаётган масалалар ҳам кам эмас. Масалан, айни совуқ забтига олган ҳозирги паллада икки кишидан бири чироқ, газ тақчиллиги ҳақида сўз очади. Булар — бор гаплар. Муҳими, бу каби масалалар давлат, маҳаллий ҳокимиятнинг доимий эътиборида эканида, имкон қадар тез ечим топишга ҳаракат қилинаётганида.

Ўзгаришлар таҳлилларда кўринади, дедик. Шу мақсадда яқинда бир гуруҳ журналистлар Сирдарё вилоятида бўлиб, ҳудуддаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектлари ҳолатини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, одамлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, қайтдик.

УЙЛАР ИЧИДАГИ ЎЙЛАР

Сафаримиз дастури турли соҳаларга оид ўндан зиёд объектни қамраб олганди. Очиғи, хаёлимиздан “ҳаммасига улгурармиканмиз”, деган фикр ҳам ўтди. Чунки биласиз, қиш куни қисқа, халқона айтганда, у ёқдан бу ёққа қарагунча кеч тушади. Бунинг устига эрталабдан қор ёға бошлади ва ҳаво анча совуқ. Лекин булар ишимизга халақит қилмади. Имкон қадар кўпроқ манзилда бўлиш, одамлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

Оқолтин туманидаги Мустақиллик маҳалласи. Айтиш жоизки, мазкур маҳалла аҳли бугун ана шундай янгиланишларни ўз ҳаёти, кундалик турмушида ҳис қилиб яшамоқда. Гап шундаки, мамлакатимизда амалга оширилаётган “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оғир ҳудуд тоифасидан чиқариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ҳудуд қиёфаси қисқа фурсатда замонавий кўринишга келтирилди.

— Ўзгаришлар уч ойда бўй кўрсатди, десак ҳеч ким ишонмайди, — дейди “Мустақиллик” МФЙ раиси Улуғбек Жўраев. — Негаки, маҳалламиздаги кенг кўламли ишлар жорий йилнинг сентябрь ойида бошланган, ваҳоланки, маҳалламиз энг оғир ҳудуд эди. Айниқса, 16 та кўп қаватли уй шу даражада абгор ҳолга келгандики, ҳатто оддий эҳтиёж — ювиниш учун ҳам шароит йўқ эди. Ҳамма уй атрофида ўз билганича нималардир қуриб олганди. Иморатлар бетартиб, ташландиқ, йўллар қаровсиз, қисқаси, эътибордан четда қолган бир манзил эди маҳалламиз. Маҳаллада қарийб 2 400 киши истиқомат қилади. Тирикчилиги ердан. Ўзларига ажратилган томорқада турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, даромад топади.

Чиндан ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси ва топшириғи билан ҳудудда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қисқа вақтда ҳудуд қиёфаси мутлақо ўзгариб, замонавий кўринишга келтирилди. Ҳар бир инсон, ёшу қари маҳалла ободлиги йўлидаги хайрли ишларда жонбозлик кўрсатди. Натижада 16 та кўп қаватли уйнинг барчаси реконструкция қилинди. Бўш майдонлар кўкаламзорлаштирилди. Бир километр ички йўллар асфальтланиб, янги лотоклар ётқизилди. Пиёдалар йўлаклари, ўриндиқлар, чиқинди қутилари ва 50 та замонавий тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 2 та трансформатор пункти янгиланиб, 3 километр ҳаво тармоғи тортилди.

Шунингдек, янги қуриб битказилган маҳалла фуқаролар йиғини биноси, “Work out”, 5 та болалар майдончаси, сунъий қопламали футбол майдони, 8 та жамоат ҳожатхонаси, 6 та тандирхона ва битта ҳаммом, “Bookcafe”, хотин-қизларни тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш маркази фойдаланишга топширилди. 76 фуқаронинг бандлиги таъминланди. Қийин аҳволга тушиб қолган 28 фуқарога 150 миллион сўмлик турли ёрдамлар кўрсатилди.

“Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ҳамда “Аёллар дафтари”даги 25 фуқарога тикув машинаси, пиширик печлари, электр пайвандлагич, компьютер ва бошқа зарур асбоб-ускуналар топширилди. Тижорат банклари томонидан 41 фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 653 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

— Болалар майдончаси, сунъий қопламали футбол майдони, “Bookcafe” болаларнинг севимли масканига айланган, — дейди маҳалла ёшлар етакчиси Аброр Босимов. — Шу боис, ҳафтанинг маълум бир кунини қайсидир машғулот билан шуғулланиш учун белгилаб олганмиз. Ёшларимиз ўзгаришлардан жуда мамнун.

Ахир шу пайтгача бундай шароитни фақат орзу қилиш мумкин эди-да.

...Эски, пастқам бинолар, томидан чакка ўтадиган уй-жойлар ва абгор кўчалар. Бу манзара Мустақиллик маҳалласи аҳли учун бегона эмас. Уларнинг бор-йўғи бир неча ой олдинги турмуш шароити шундай эди. Яқин-яқингача бундай шароитни орзу қиларди, холос. Ваҳоланки, у Мирзачўл ўзлаштирилиши, яъни Сирдарё вилояти шакллантирилиши даврида ташкил этилган, эски, тарихий маҳалла. Маҳалла қанчалик эски бўлгани сайин муаммолари ҳам йиғилиб бораверди. Уларни ҳал қилиш ишлари чўзилгандан-чўзилди. Булар, табиийки, одамлар кайфиятига таъсир ўтказмасдан қолмади. Лекин маҳалла муаммолари Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганилаётгани ҳақида эшитган одамларда бошқача иштиёқ пайдо бўлди. Ободонлаштириш ишларига жон-жон, деб бел боғлашди. Имкон қадар ёрдам беришга ошикди. Натижа эса кўп куттирмади. Маҳалланинг бугунги қиёфаси бунинг яққол далили.

Шу ўринда кимдадир “ичимлик суви, газ, электр таъминоти, инфратузилма кабилар эҳтиёж, яшаш учун улар шундоғам бўлиши керак-ку”, деган мулоҳаза бўлиши мумкин. Ҳа, булар ҳаётий зарурат. Ушбу эҳтиёжлар давлат томонидан қаноатлантирилиши керак. Эътибор бўлмаса, булар худди биз сўз юритаётган маҳалладаги сингари, йиллар давомида одамлар ҳаёт шароитини оғирлаштирувчи муаммолигича қолаверади.

Мустақиллик — мамлакатимиздаги ўн мингга яқин маҳаллалардан бири. Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади эса ана шу манзилларни обод ва фаровон қилишдир. Зеро, бу масканларда сизу биз — 36 миллион аҳоли истиқомат қилади. Демак, маҳалладаги ҳар бир ўзгариш инсон қадрига қаратилган эътибордир.

Айтиш жоизки, бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом этади. Жумладан, Президентимиз жорий йил сентябрь ойида маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда энди маҳалла бошқаруви янги ёндашувлар асосида ташкил қилиниши таъкидланди. Амалдаги “бешликка” солиқчи ва ижтимоий ходим ҳам қўшилиб, биргаликда ишлайдиган “маҳалла еттилиги” бўлиши айтилди. Натижада аҳолини 3 та ижтимоий дафтарга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масала маҳалланинг ўзида, коллегиал ҳал қилинадиган бўлди. Бу энди ҳеч бир маҳалла эътибордан четда қолиши учун имкон бермайди.

БИР СОҲАГА БОҒЛАНИБ ҚОЛИШ — БУ ЭНДИ ЭСКИ ГАПЛАР

Сирдарё — Мирзачўл ўзлаштирилиши асосида ташкил этилган вилоят. Кўзланган мақсад эса битта, яъни пахта хомашёсини кўпайтириш эди. Шундан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, вилоятда кўп йиллар давомида асосий экин сифатида фақат пахта парваришланди. Бор маблағ ва куч шунга йўналтирилди. Булар энди бугунги кунга тўғри келмайдиган кечаги гаплар. Бугун вазият тамомила бошқача. Сиёсат ўзгарган. Пахта дарди халқимизни эзмаслиги керак. Қолаверса, бир экин билан ҳудудни ривожлантириб бўлмайди. Шу боис, кейинги йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича замонга хос ва мос лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Сирдарёда ҳам тадбиркорлар кўпайди. Илгари бўлмаган қурилиш материаллари, фармацевтика, чарм ва озиқ-овқат саноати каби янги тармоқлар пайдо бўлди. Буни давлатимиз раҳбари шу йил апрель ойида Сирдарёга қилган ташрифи давомида алоҳида қайд этиб, сўнгги олти йилда вилоятга 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 6 640 та янги корхона ишга туширилгани, бу орқали 55 мингта доимий иш ўрни яратилиб, 17 мингта оила камбағаллиқдан чиқарилганини алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Сирдарё қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ҳудуддан уларни қайта ишловчи, саноатнинг турли тармоқлари жадал тараққий этаётган замонавий ва салоҳиятли вилоятга айланмоқда. Жумладан, бу ердаги “Peng-Sheng” ишлаб чиқариш субъекти 2009 йилда Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси сифатида иш

бошлаган. Бугун у вилоятдаги йирик саноат мажмуасига айланган. Умумий қиймати 26 миллион доллар бўлган лойиҳанинг бугунги инвестицион имконияти 100 миллион долларга чиқди. Янги иш ўринлари 2 мингдан ошди. Аввалига фақат керамик кафел ишлаб чиқарилган бўлса, энди сантехника маҳсулотлари, қайта ишланган ва ишлов берилган терилар, декор панеллари, томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган елим қувурлар, махсус сув ўтказгичлар ва плёнкалар, аёллар ва эркаклар пойабзали, чарм буюмлар каби ўндан зиёд лойиҳалар ишга туширилди. Ишлаб чиқариш майдони 100 гектарга етказилиб, маҳсулотлар экспорти МДҲ давлатлари, Хитой ва Европагача кенгайди.

— Президентимиз жорий йил апрель ойида вилоятимизга ташрифи чоғида корхонамизнинг иккита янги лойиҳасига ҳам старт берди, — дейди “Peng-Sheng”

мажмуаси бош директори ўринбосари Ғофуржон Аҳмедов. — Яъни мармар тошлардан 40 турдаги тайёр маҳсулот тайёрлаш ва терининг чиқиндига чиқариб юборилади диган қисмидан желатин ишлаб чиқаришга доир лойиҳалар айни шу пайтдан иш бошлади. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 4,2 миллион долларга тенг. Йилига 1 500 квадрат метр турли ўлчамдаги табиий чарм ҳамда 468 тонна желатин маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Хитой ҳамда МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Мажмуа таркибидаги “AWP” корхонасининг устав фонди 7,5 миллион долларга тенг 2 миллион донадан ортиқ турли сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 400 киши иш билан банд. Корхонанинг асосий фаолияти санитар-техника маҳсулотлари учун юқори технологиялар асосида сместител, ёпиш арматуралари(зулфин)ни ишлаб чиқариб, ички бозор талабларини тўлақонли қондириш ва экспортга ҳам йўналтиришдан иборат.

Президентимиз ўша ташриф чоғида, шунингдек, Сирдарёни саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича “илғор инновациялар ҳудуди”га айлантириш зарурлигини қайд этиб, бу борада Хитой тажрибасига таяниш қўл келишини таъкидлади. Чунки бу давлат мазкур соҳаларда катта ютуқларга эришган. Қолаверса, хитойлик инвесторларнинг ҳам вилоятга қизиқиши катта. Шу аснода ўтган давр мобайнида вилоят расмийлари ва тадбиркорлардан иборат делегациянинг Хитойга бир неча бор сафари уюштирилди. Музокараларда кўплаб манфаатли келишувларга эришилди. Айни вақтда эса ушбу келишувлар босқичма-босқич амалга татбиқ этилмоқда.

Бунга Янгиер шаҳридаги лойиҳа қиймати 10 миллион доллар бўлган мебелсозлик кластери фаолияти яққол мисол бўла олади. Бу ерда илгари фақат ДСП доскалари ишлаб чиқариларди. Корхона вакиллари Хитойга ташрифи давомида янги ҳамкорлар топди. Натижада ҳеч қанча вақт ўтмай, корхона фаолияти янада кенгайиб, йилига 35 миллиард 465 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи 3 миллион метр квадрат ДСП ва МДФ, шунингдек, турли мебель маҳсулотлари тайёрлаш имконияти пайдо бўлди. Ускуналар Хитой ва Туркиядан келтирилган. Бунинг учун Хитойнинг “Beijing Goods Jiangsu New Material” компанияси 4 миллион доллар миқдорида сармоя киритган. Яратилган янги иш ўринлари сони эса 100 та. Жамоа бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Келгусида экспорт ҳажмини 1,5 миллион долларга, ишчилар сонини эса 500 нафарга етказиш мақсад қилинган.

ИННОВАЦИЯ — АГРАР ТАРМОҚ КЕЛАЖАГИ

Сирдарё кўп пахта етиштириш борасида ҳам илғорлар қаторида бўлишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, жорий йилда сирдарёликлар пахта етиштириш бўйича шартномавий режани мамлакатимизда биринчилар қаторида уддалади. Бунда соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, кластер тизимига ўтилгани, илм-фан ва техника янгиликлари амалиётда қўлланилаётгани, ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мос янги навлар экилаётгани каби омиллар муҳим ўрин тутади.

Оқолтин туманидаги “Сардоба универсал кластер” пахта-тўқимачилик кластери томонидан ташкил қилинган “Oqoltin agro markaz”да кўрсатилаётган хизматлар пахта хомашёси етиштиришда қўл келмоқда.

— Агромарказимиз 400 фермер хўжалигига хизмат кўрсатади, — дейди кластер раҳбари Шавкат Муқимов. — Фаолиятимиз тўлиқ рақамлаштирилган тизимга ўтган. Натижада барча техникаларимиз бажарган иши ҳақидаги маълумотлар кунлик базага киритиб борилади. Ҳар бир экин майдонини таҳлил қилиб борадиган махсус тизим ҳам яратганмиз. Бундан кўзланган асосий мақсад экин учун сарф этилаётган минерал ўғит, ёқилғи, сув миқдорини доимий таҳлил қилиш ва шу орқали тежаш. Келгуси режалар ана шу хулосаларга қараб белгилаб олинади.

Тўлиқ томчилатиб суғориш тизимига ўтганмиз. Натижада бир йилда 300 метр куб сув тежаяпмиз. Булар фермерга нима беради? Аввало, назорат хавфсизлигини, агротехник тадбирлар сифатли ва меъёрида бажарилишини таъминлайди.

Умуман, лойиҳа қиймати 5 миллион долларни ташкил қилувчи марказда ўсимликларни ҳимоя қилиш, тупроқ ва сув таҳлил лабораторияси, ветеринария дорихонаси, агроном маслаҳати, уруғ, кўчат етказиб бериш, аҳоли хонадонларига иссиқхоналар қуриш, қишлоқ хўжалиги техникалари каби хизматлар кўрсатилади. Марказ қошида агромаркет дўкони ҳам фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, янги қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳам фермерларга мутахассислар томонидан тушунтирилади. Бир курсда 60 фермерни ўқитиш имконияти мавжуд.

— Бу йил фермерларимиз томонидан давлатга 28 минг 553 тонна пахта, 30 минг тонна ғалла сотилди, — дейди Оқолтин тумани фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари кенгаши раиси Шерали Исоқов. — Ҳосилдорлик ғаллачиликда ўртача 50 центнерни, пахтачиликда 40 центнерни ташкил қилди. Ҳар икки тармоқда 2022 йилдагига нисбатан 10 центнер кўп ҳосил олинди. Бу биз учун тарихий рақамлар. Чунки шу пайтгача бундай натижага эришилмаган.

Дарҳақиқат, бугун бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам илм ва инновацияни татбиқ қилиш давр талабига айланган. Соҳада янгиликлар кўп, ҳуқуқий асослар тобора такомиллашмоқда. Шундай экан, янгиликсиз ривожланиб бўлмайди. Сирдарёнинг ер, сув ва табиий ресурслари бисёр. Соҳага илм ва инновацияни олиб кириш орқали янги марралар забт этилаверади.

Дарвоқе, агромарказда вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиевни учратдик. Ҳоким қисқа суҳбатдан сўнг кун сўнгида яна учрашишимизни айтди. Биз эса кейинги манзилга йўл олдик.

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда энергия таъминоти долзарб ва доимий эътибордаги масалага айланмоқда. Бу борада кўплаб янгилик ҳамда лойиҳаларга қўл уриляпти.

Вилоятнинг Ховос туманидаги йирик инвестицион лойиҳа — Туркиянинг “Cengiz Enerji” компанияси томонидан қуввати 220 мегаватт бўлган газ-поршенли электр станцияси қурилиши муваффақиятли лойиҳалардан бири, десак муболаға бўлмайди.

Бу ердаги қурилмаларнинг фойдали иш коэффициенти юқорилиги натижасида станцияда йилига 1,7 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 150 миллион куб метр табиий газ тежалади. Эътиборлиси, тежалган табиий газ билан қўшимча 685 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин. Станция 600 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлай олади.

Очиғи, яйлов, дала жойда бундай замонавий лойиҳа асосида ноёб мажмуа барпо этилиши осон эмас. Бу мамлакатимизда одамларга муносиб шарт-шароит яратиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар мевасидир.

Мутахассислар қайд этишича, саккиз ойда қад ростлаган мажмуанинг фойдали иш коэффициенти юқори. Яъни бир киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 200-220 грамм газ сарфланади. Яна бир афзаллиги, уни қисқа муддатда тўхтатиб, қисқа муддатда қайта ишга туширса бўлади. Шу пайтгача бундай технология Ўзбекистонда йўқ эди.

Кун давомида вилоятдаги ана шундай лойиҳаларнинг бир нечтасида бўлдик. Олинган хулоса шу бўлдики, бугун



Рашид Галиев олган суратлар.

Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар қўлами кенг. Унинг самараси ҳар бир жабҳада кўзга ташланмоқда. Албатта, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кам эмас. Бу юқоридаги ваъдага мувофиқ, ўтказилган очиқ мулоқотда вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев томонидан ҳам бир неча бор таъкидланди.

САЛОМАТЛИК

СОҒЛОМ ХАЛҚ КАТТА ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Инсон капиталини ривожлантириш, албатта, аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари яхшиланиши билан чамбарчас боғлиқ. Саломатлик инсоннинг турмуш тарзи, ҳаёт даражаси ва сифати кўрсаткичидир. Соғлом жамият давлатнинг стратегик мақсади, миллий хавфсизликнинг муҳим шарти саналади. Шу билан бирга, аҳоли саломатлиги давлат бошқаруви самарадорлигининг мезони ҳамдир.

Шу боис, янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқаролар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда олиш ҳуқуқи, давлатнинг соғлиқни сақлаш, тиббий суғуртани ривожлантириш, санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш каби кафолат ва мажбуриятлари мустаҳкамланди. Фуқаролар давлат ҳисобидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини олишга ҳақли экани белгиланди.

Бу борада "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Ушбу чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши натижасида тиббиётдаги ислоҳотлар инсон манфаати йўлида изчил давом этмоқда.

Хусусан, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхати ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Унга кўра, оилавий шифокорлик пунктларида 68 турдаги нозология, 15 турдаги лаборатория (амалда 5 турдаги), 15 турдаги инструментал текширувлар (амалда 10 турдаги), 78 турдаги дори-дармон бўлиши керак. Оилавий поликлиникаларда 85 турдаги нозология, 15 турдаги лаборатория (амалда 10 турдаги), 23 турдаги инструментал текширувлар (амалда 15 турда), 90 турдаги дори-дармон, кўп тармоқли марказий поликлиникада эса 110 турдаги нозология, 22 турдаги лаборатория, 28 турдаги инструментал текширувлар, 137 турдаги дори-дармон бўлиши белгиланди. Шунингдек, туман, шаҳар марказий шифохоналарида 257 турдаги нозология, 46 турдаги лаборатория, 28 турдаги инструментал текширувлар, 234 турдаги дори-дармон бўлиши назарда тутилди. Бунинг учун соғлиқни сақлаш соҳасига 2023 йилда давлат бюджетидан 20,3 триллион сўм ажратилган бўлиб, шундан 5,5 триллион сўми бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига тўғри келади ёки умумий ажратилган маблағга нисбатан 27 фоизни ташкил этади.

Маблағ шифохонага эмас, беморга ажратилмоқда

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳудудлар тиббиёт муассасаларига давлат бюджетидан жами 17 триллион 944 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Бу маблағ 2016 йилдагидан 5 баробар кўп. Ўтган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун маблағ 12 баробар кўпайтирилди. Энг муҳими, маблағ шифохонага эмас, беморга ажратилмоқда.

Бирламчи тиббиёт бўғинини мутлақо янги ёндашувлар асосида тубдан ўзгартиришга киришилди. Ўтган йилдан ҳар бир маҳаллада "хонадонбай" ишлайдиган 17 минг 400 та тиббий бригадаси ташкил этилди, аҳолига сифатли тиббий ёрдамни кенгайтириш мақсадида бирламчи тизимга 20 мингта ўрта тиббиёт ходими учун штат ажратилди. Қишлоқларда жойлашган 801 та оилавий поликлиника замонавий УТТ ва ЭКГ аппаратлари билан таъминланди, қишлоқ ва маҳаллаларда 8 турдаги янги тиббий хизматлар йўлга қўйилди.

Сифатли тиббий хизмат маҳаллага туширилди

Тиббий хизматларни маҳаллагача туширишбўйича муҳим қадамлар қўйилди. 2023 йилда 1251 та оилавий шифокорлик пункти, 1082 та оилавий поликлиника, 209 та КТМП фаолияти таъминланди. Республикада мавжуд маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига "бир қадам" тамойили асосида тиббий хизматлар яқинлаштирилди. Жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларигача 3 километр масофада жойлашган маҳаллалар 62 фоизга етказилди (5 806 та маҳалла), 3-5 километргача 23 фоиз (2 151 та маҳалла)ни ташкил этади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳар 2000 аҳолига 1 та, республика бўйича жами 17 минг 400 та тиббиёт бригадаси ташкил этилиб, оилавий шифокорга ёрдам берадиган умумий амалиёт ҳамшираси, патронаж ҳамширалари, патронаж доялар жамланди. Амалиётда кам самара берган аҳолининг чуқурлаштирилган тиббий кўриклари ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича даврий профилактик кўриклар ва тиббий скрининг текширувлари ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, оналар ва гўдаклар ўлими камайиши, ноинфекцион — юқумли бўлмаган касалликларнинг эрта аниқланиши, асоратлари камайишига олиб келмоқда.

Тизимда электрон рақамлаштириш босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда. "Электрон поликлиника" тизимида 2500 дан ортиқ бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси (БТСЁМ) ишламоқда. 2023 йил 1 октябрь ҳолатига 32 миллиондан ортиқ аҳоли электрон ахборот тизими орқали БТСЁМларга бириктирилди. Тизимда оилавий шифокорлардан тор доирадаги мутахассисларга, тор доирадаги мутахассислардан оилавий шифокорларга йўналтириш амалиёти яратилмоқда. Ушбу тизим орқали аҳолини оилавий шифокорларга бириктириш, шу билан бирга, беморни амбулатор тиббиёт муассасасидан стационар тиббиёт муассасасига электрон йўналтириш амалиёти синовдан ўтказилмоқда.

Мураккаб тиббий амалиётлар ўзимизда ўтказиляпти

Ихтисослашган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма электрон навбат асосида берилмоқда. Бугунги кунда тиббий хизматларнинг сифат даражаси ошиб, янги замонавий йўналишлар, даволаш ва диагностика усуллари, ноёб илмий-амалий тажрибалар шакллантирилмоқда.

Биргина мисол — қисқа даврда буйрак, жигар ва ўзак ҳужайраларда 1000 дан ортиқ мураккаб операция муваффақиятли амалга оширилди. Аҳолига юқори технологияли тиббий ёрдамни яқинлаштириш мақсадида барча вилоятларда ихтисослашган илмий-амалий тиббий марказлар филиаллари ташкил этилиб, аввал фақат хорижда ёки пойтахтда қилинган операциялар бугун барча вилоятларда ва баъзи туманларда ҳам бажарилмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасини Ўзбекистонга олиб кириш, мутахассисларнинг чет элда малака оширишини таъминлаш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда шифохоналар комплексларини ташкил этиш бир пайтлар орзу бўлган, бугун амалга ошаётган воқеликдир.

Мактабгача таълим ва ўрта таълим тизимида соғлом овқатланишни таъминлаш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш билан касалликларни эрта аниқлашни 70 фоизга етказиш, юқумли бўлмаган касалликлардан ногиронлик ва эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири, деб ўйлаймиз.

Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида аҳолининг ёши, жинси ва мавжуд касалликларидан келиб чиқиб, овқатланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳар бир маҳаллада волонтёрлик жамиятларини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича индивидуал маслаҳатлар бериш, маҳаллаларда эрталабки бадантарбия ва кечки сайрларни ташкиллаштиришга эътиборни кучайтириш керак. Бунинг натижасида ортиқча вазн ҳамда семизлик, юқумли бўлмаган касалликлар асоратлари, ногиронлик ва эрта ўлимнинг камайишига эришиш мумкин.

Тиббиёт академияси, ихтисослашган илмий марказлар, ҳудудларда институтлар бор. Уларни ҳудудларга бириктириш йўли билан соғлом тиббий-ижтимоий муҳит яратиш зарур. Масъул мутахассисларни ўз маҳалласида касалликлар камайишига қараб рағбатлантириш амалиётини жорий этиш мумкин.

Олдимиздаги вазифа ва мақсадлар жуда улкан, кучларни бирлаштириб, собитқадамлик билан ҳаракат қилсак, албатта, муваффақиятга эришамиз. Зотан, сифатли тиббий хизматга эҳтиёж ҳеч қачон камаймайди. Энг катта бойлик халқимиз саломатлигидир. Соғлом халқ катта ишларга қодир бўлади.

ИЛМ-ФАН

"InnoWeek — 2023" ҳафталигининг қизиқарли томони шундаки, у ерда турли ишланмалар билан танишиш имконияти мавжуд. Қайси йўналишга кўпроқ янги технология кириб келмоқда? Умуман, инновациялар оламида нима гап? Шундай "қайноқ" саволларга айнан ҳафталикда жавоб топиш мумкин. Ҳафталикни кузатиш асосида тиббиётнинг ҳар бир йўналишида фойдали инновацияларга қўл урилаётганига амин бўласиз. Биотехнология ҳам янгиланишдан қолмаяпти. Бу соҳа юртимизда энди ривожланаётгандай туюлади. Аслида, ундай эмас. У ҳамиша бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Оддий хамир тайёрлаш учун ачитқи олиш жараёнини эсланг. Шу жараённинг ўзи ҳам биотехнология. Қолаверса, бу йўналишда бажарилаётган ишлар 2020 йили пандемия даврида яққол юзага чиқди. ПЗР тести ва вакцина ишланмалари биотехнология маҳсули. Ҳафталикда Илғор технологиялар марказининг ана шундай муҳим жараёнда бош-қош бўлган ва янги ишланмалари билан қатнашаётган илмий ходими Музаффар Мўминов билан суҳбатлашиб, юртимизда соҳанинг ривожи ҳақида муайян тушунчага эга бўлдик.

ШИРИН ОҚСИЛДАН САРАТОННИ ДАВОЛАЙДИГАН ЯНГИ ИШЛАНМАГАЧА

Яхшиси, шифокор бўлсанг-чи?

— Биотехнология ҳақида 9-синфдалигимда ўқитувчимдан эшитганман. Ўшанда устозим бактерияни кўпайтириб, улар ёрдамида оқсил ва препаратлар олиш мумкинлигини айтган. Бу гап худди эртакдек туюлган. Шу кундан бошлаб менда биология ва биотехнологияга нисбатан ўзгача қизиқиш уйғонди ва биотехнолог олим бўлишни ният қилдим. Ҳар куни уйда кичик-кичик тажрибалар ўтказар, нарсаларни бир-бирига аралаштириб, томоша қилиб ўтирардим. Кейинчалик тиббиёт коллежида ўқиб юрган давримда бақаларнинг ички аъзосини ўрганиш бўйича дастлабки жиддий тажрибамни ўтказганман. Бироқ ҳақиқий молекуляр биология бўйича тушунчам етарли эмас эди, — дейди Музаффар Мўминов. — Аксарият ота-оналар биология фанидан яхши ўқийдиган фарзандининг шифокор бўлишини истайди. Менда ҳам худди шундай бўлган. 2011 йили ўқишга ҳужжат топшириш вақти келганда, ўйлаб ҳам ўтирмасдан, Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетига ҳужжат топширдим. Имтиҳондан юқори балл олиб, талаба бўлдим. Дастлаб, ота-онам тиббиёт соҳасини танлаб, шифокор бўлишимни истаган, лекин кейинчалик олим бўлиш истагимни қўллаб-қувватлаган.

Университетнинг бакалавриат босқичини тугатиб, магистратурада ҳам ўқишни режалаштиргандим. Магистратуранинг 1-босқичини тамомлаганимдан сўнг Erasmus Mundus Timur scholarship дастурида қатнашдим ва Германиянинг Ҳоҳенҳайм университетида ўқиш учун грант ютдим. Магистратурани тугатиб қайтгач, Илғор технологиялар марказида илмий фаолиятимни бошладим. Марказимиз чет элникидан қолишмайдиган барча замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Кўникма ошириш учун имконият

— COVID-19 пандемияси даври оғир палла бўлиш билан бирга олим сифатида етарли кўникма орттиришим учун катта имконият эшигини очган. Сабаби, пандемия пайтида устозимиз, марказ раҳбари Шаҳло Турдиқулова ҳамда ўн бешга яқин тадқиқотчи ишхонамиз ёнидаги мўъжаз меҳмонхонага жойлашганмиз. Ишни тест системаси тайёрлашдан бошлаганмиз. Ўшанда жуда қатъий карантин эълон қилинган эди. Эрталабдан ярим тунгача ишлаганмиз. ПЗР тест ишлаб чиқиш асосий мақсадимиз бўлган. Нима учун айнан у? Чунки ўша пайт бундай тест системалари тақчил, чет давлатлардан олиб келингани етарли эмас эди. Шунинг учун ўзимизда тест синамаси тайёрлаш жуда зарур эди. Ниҳоят, 3 ой деганда ПЗР тестини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Уни синовдан ўтказганимизда, бозордаги мавжуд тўпламлардан ҳеч қандай фарқ қилмаган. 70 фоиз аҳолимизнинг бу борадаги эҳтиёжини биз ишлаб чиққан тест системаси қоплаб берди. Шундан сўнг бизга вакцина яратиш вазифаси топширилди.

Касаллик назоратида вакцина жуда муҳим

— Ҳар бир давлат ўзининг вакцина платформасига эга бўлиши зарур. Касалликни назорат қилиш учун вакцина жуда муҳим. Қисқа муддатли ечим сифатида, биринчи навбатда, ҳамкорликни йўлга қўйишни кўзлаганмиз. Чунки бу технологиялардан, афсуски, биз анча орқада қолган эдик. Нолдан бошлаш эса ҳамиша қийин. Шунинг учун хитойликлар билан ҳамкорлик қилишга келишилди. Дастлаб, вакцинани лабораторияларда текширдик. Тест синовлари ўтказилганидан сўнг клиник синовлар бошлаганмиз. Ўшанда 7 минг кишида клиник синов ўтказилди.



Клиник тадқиқотлар бу вакцинанинг хавфсиз ва сифатли экани ҳамда иммунитет ҳосил қилиш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Олинган тажриба ва йўлга қўйилган тизим эртага бошқа касалликларга қарши вакцина ишлаб чиқишда қўл келиши муқаррар.

Саратонни даволашда янги ишланма

— Саратон касаллиги организмдаги ҳужайраларнинг тўхтовсиз бўлиниб, кўпайиши туфайли келиб чиқади. Жумладан, аёллар кўкрак бези саратони юртимизда кўп учрайди. Касалликнинг бир турида ҳужайраларда HER-2 рецептори сони меъёрдан ошиб кетади. Натижада ҳужайра ичига ўсиш гормони кўп миқдорда кириб, саратонни келтириб чиқаради. Биз ишлаб чиқишга ҳаракат қилаётган махсус моноклонал антитана ушбу рецепторни блоклаб қўяди. Натижада ўсиш гормонларининг ҳужайра ичига кириши сусаяди. Ушбу технологиялар, айниқса, бошқа турдаги анъанавий терапия усуллари билан бирга олиб борилганда даволаш самарадорлигини оширади.

Биотехнолог бўлмоқчимисиз, "ёзги мактаб"га келинг!

— 2018 йили Германиядан қайтиб келиб, Илғор технологиялар марказида энди иш бошлаган пайтим. Эсимда, марказ ходимлари билан тушлик қилиб ўтирганимизда "Талабалар эътиборини тортадиган қандай лойиҳа қилсак бўлади?" деган савол ўртага ташланди. Ўшанда "ёзги мактаб" ташкил қилсак, талабалар эътиборини кўпроқ жалб қиламиз, дегандим. Дарҳол жамоа билан ғояни шакллантиришга киришдик. Европада таҳсил олган мутахассис сифатида айтишим мумкинки, уч ҳафталик мактаб дастури ривожланган давлатлардаги ёзги мактаб дастурларидан асло қолишмайди. Бунга зарурат шундаки, талабалар чуқур назарий билимга эга, аммо амалий кўникмада бўшлиқ кузатилади. Шу сабабли, биз мактабда амалиётга кўпроқ эътибор қаратамиз. Асосий мақсадимиз дастур орқали тажрибамизни ёшлар билан баҳам кўришдан иборат. Рекомбинант усулда оқсил олиш (ген муҳандислиги), геномлар (COVID штаммлари)ни ўқиш ҳамда ПЗР тест системаси яратиш бўйича тажрибамиз бор. Худди шу технологияларни ўқувчиларга ўргатдик. Улар назарий билимларини амалиётда бевосита синаб кўрди.

2018 йилнинг ёзида ташкил қилинган "ёзги мактаб" ҳақида кўплаб ижобий фикрлар эшитдик. Айниқса, шу мактабни битирган қалдирғочларимиздан бири Мадина Акрамова АҚШнинг Fulbright грантини қўлга киритди. Яна бир ўқувчимиз Шоҳсанам Давлатбоева эса Европанинг нуфузли олийгоҳида ўқиш учун тўлиқ грант ютиб олди. Ҳозир ушбу мактабнинг аксарият тингловчилари илм-фан соҳасида ёки клиникаларда малакали мутахассис сифатида фаолият юритмоқда. Бироқ 2020 йили пандемия сабабли бу лойиҳани вақтинча тўхтатишга мажбур бўлдик. Жорий йилдан эътиборан "ёзги мактаб" қайта очилди. Учинчи бор ташкил этилаётган мактаб биотехнология соҳасига қизиқувчи ёшлар билан гавжум. Мактабда кўникма орттириш истагини билдирадиганлар жуда кўп. Бу йил 537 талабгордан ариза келиб тушди. Бироқ биз улардан атиги 15-16 тасини танлаб олишимиз керак. "Нимага биратўла 100 нафар ўқувчи қабул қилмайсиз? Аудитория катта-ку", деганлар ҳам бўлди. Шогирдларимиз қўл билан ишлаши керак. Агар биз бирдан 100 ўқувчи қабул қилсак, уларнинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармайди.

Ажойиб янгилигимиз бор: ҳозир "ёзги мактаб"да яхши қатнашган талабалар билан ҳамкорликда вилоятларга чиқишни режалаштирмоқдамиз. Энди университетларга бориб, шундай ҳафталик амалий мактабларни ҳудудларда ташкил қилиш ниятидамиз.

Ширин таъмли оқсил

— Айни дамда битта лойиҳани тугатиш арафасидаман. Бу — ширин таъмли оқсил. Биласиз, кўпчилик қандли диабетдан ёки ортиқча вазндан азият чекади. Ўзбекистоннинг ўзида ҳам диабетга чалинганлар 1 миллиондан кўп. Дунё бўйича 460 миллиондан ортиқ. Қандли диабетнинг 2-турида организмда глюкоза гомеостази бузилади. Организмда глюкоза мувозанати мавжуд. Нима учун бузилади? Бунинг омиллари кўп. Асосий сабаби сахарозага бой маҳсулотлардир. Кўп маҳсулотларда ушбу қўшимча миқдори жуда юқори. Аксига олиб, сахарозанинг таъми одамга ниҳоятда ёқади. Лекин ножўя таъсири анча. Ҳозир дунё бўйича сахароза ўрнини босадиган муқобил табиий бирикмаларни ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш тенденцияси кузатилмоқда. Шулардан бири ширин таъмли оқсилдир. Бундай оқсил глюкоза гомеостазини бузмайди ва сахарозага нисбатан 2 минг карра ширин бўлгани учун жуда ҳам кам миқдорда ишлатилади. Натижада ортиқча вазн орттиришга ҳам сабаб бўлмайди.

Бу оқсилни ишлаб чиқаришда ҳам қийинчилик бор. У фақат ўсимликлардан олинади. Ушбу ўсимликлар чекланган миқдорда, яъни ҳамма жойда ўсмайди. Асосан, Африканинг шимолий қисмида ўсади. Бу ўсимликлардан оқсилни тозалаб олиш мушкул ва қиммат. Энди ген муҳандислиги бунга ечим таклиф қилмоқда. Бактериялар ичига генни киритиб, оқсилни кўпайтириш мумкин. Олган оқсилимиз табиатдаги ўсимлик оқсилидан мутлақо фарқ қилмайди. Самарадорлиги бир хил. Ушбу оқсилни озиқ-овқат ёки ичимликларга қўшиш мумкин. Истасангиз, ундан кукун, дори ва сироп кўринишида фойдалансангиз ҳам бўлади.

"InnoWeek — 2023" халқаро ҳафталигида вакцина, ширин таъмга эга оқсилнинг намуналари билан қатнашдим. Бу ишланмалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Келгусида янги ишланмалар билан юртимиз илм-фани ривожига ҳисса қўшаман.

Севара АБДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

ЗИЁ МАСКАНЛАРИ

“МЕН РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИГА КЕТЯПМАН”

Дилноза ҲАҚБЕРДИЕВА,
Республика болалар кутубхонаси ПР-менежери,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган юртимиз ва хорижлик олимлар жадидларнинг илм-маърифатга, китоб ва кутубхоналарга нақадар катта эътибор қаратганини таъкидлаганида, мен беихтиёр бугунги кунимизга назар солдим. Кейинги йилларда ташкил этилган Президент мактаблари, иқтидорли болалар учун махсус фан ва санъат, ижод мактаблари, кутубхоналар бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

Айниқса, Миллий кутубхона, вилоят ва туманлардаги, Олий ва ўрта таълим мактаблари кутубхоналари ва ниҳоят, яқинда дунё андозаларига мос қилиб қайта таъмирланган Республика болалар кутубхонасини хаёлдан ўтказар эканман, буларни жадид боболаримиз кўрганда, қанчалар хурсанд бўлар эди, деб ўйладим.

Давлатимиз раҳбарининг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатидаги: *“Барчамизга аёнки, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли — билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билдилар. Улар шу йўлда фидойилик кўрсатиб, янги усул мактаблари, театр ва кутубхоналар, нашриётлар очдилар. Жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш мақсадида газета ва журналлар нашр этдилар. Ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбордилар”,* деган сўзларини ўқиб китобхонликни ривожлантириш борасидаги бугунги саъй-ҳаракатлар илдизи қаерда эканини англайсан киши. Беихтиёр “Авесто”даги “Эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал” деган ҳикмат хаёлга келади.

Ёшларни мутолаага ўргатиш, кутубхоналару шахсий жавонларимизни китоб билан тўлдириш ишлари аллақачон ният ва сўздан амалга ўтган. Маърифатпарвар жадид боболаримиз Ғулом Зафарий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавваркори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудийлар ҳақидаги “Жадидлар” китоблари тўплами, “Туркий тилли давлатлар адабиёти” 100 жилдлиги ҳамда янги авлод дарсликларининг қисқа вақт ичида чоп этилгани, кутубхоналарга ва ёшларимиз қўлига етиб боргани ана шу эзгу амалнинг самараларидир.

Президентимизнинг тегишли фармонига мувофиқ, “Ўзбек адабиёти хазинасидан” деб номланган кўп жилдлик китоблар мажмуаси ва “Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигини нашр қилиш ҳамда барча кутубхоналарга етказиш белгиланганини жадид боболаримизнинг ғоялари амалга ошаётганидан дарак, албатта. Бу китоблар ёшларнинг кутубхоналаридан ўрин олмоқда.

Китоб билан бойиб бораётган замонавий кутубхоналаримизга Республика болалар кутубхонаси мисолида назар ташлашнинг ўзи кифоя. Эртаклар ва мўъжизалар қасрига ўхшаб кетадиган ушбу кутубхонанинг ғаройиб тарихи бор. Ўтмиш ва бугун адабиётини, маънавиятини, тасвирий санъатини ўзида уйғунлаштирган Республика болалар кутубхонаси замонавий шарт-шароитларга эга бўлган маърифат ўчоғига айланди. Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси лойиҳаси ва кўмаги асосида мутолаа залларидан ташқари аудиокитобларни тинглаш хонаси, компьютер синфлари, мусиқа, тасвирий санъат ижодхоналари, рақамли контент билан ишлаш, овоз ёзиш студиялари, кичик босмахона, мўъжазгина амфитеатр ёш китобхонлар ихтиёрига топширилди. Кутубхонанинг 200 минг жилдли фонди турли тиллардаги яна 21 мингта китоб билан тўлдирилди.

У ердаги кундалик ҳаётга назар ташласангиз, қизиқарли мутолаа ва ижодий жараённинг гувоҳи бўласиз. Таниқли шоир ва ёзувчилар, рассом ва актёрлар, композитор ва мусиқачилар билан учрашувлар, янги китоб тақдимотлари, “Ёш китобхонлар”, “Шеърият”, “Санъат ихлосмандлари”, “Меъморчилик”, “Инглизча китоб” тўгараклари, ижодий баён ёзиш, нотиқлик санъати, робототехника бўйича маҳорат дарслари, ақлни чархловчи ўйинлар сизни ҳайратга солмай қўймайди. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси лойиҳаси асосида мактаблар ва махсус ўқув юртларидан гуруҳ-гуруҳ бўлиб кутубхона экскурсиясига келаётганларнинг кети узилмайди.

Президентимиз ташаббуси билан тақдим этилган бепул бинафшаранг автобус уларнинг хизматида. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ўқувчи ёшлар ўртасида китоб мутолаасини кенг тарғиб қилиш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилиши кўзда тутилган мазкур автобус “Мен Республика болалар кутубхонасига кетяпман”, “Я еду в Республиканскую детскую библиотеку” ёзувлари билан безатилган.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси мадади билан амалга оширилмоқда.

Ўқувчиларнинг қай бири билан гаплашманг, бундай қулайликдан хурсанд экани, ота-онасининг вақти бўлмаган пайт автобусда, ўқитувчи назоратида бехавотир келиб-кетишидан кўнгли тўқлигини айтади. Шу боис, ота-оналар бундай эзгу ташаббус учун давлатимиз раҳбари, кутубхона жамоасидан беҳад миннатдор.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу кутубхонани давлатимизнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш борасида олиб бораётган оқилона сиёсатининг кўзгуси, дейиш мумкин. Яқин келажакда юртимиздаги барча кутубхоналар мана шундай қиёфа касб этишига ишончимиз комил.

Беихтиёр юқорида тилга олинган халқаро конференция мавзуси бўлган жадид боболаримизни яна эсга оларканман, улар жонини тикиб, олға сурган ғоялар, ёшларни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш борасидаги орзулари амалга ошаётганидан юрагимда мамнунлик ва шукроналик туяман.

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

Ўзбекча Википедия — СОН ВА СИФАТ ЎЙҒУНЛИГИ

VIKIPEDIYA
Ochiq Ensiklopediya

WIKI STIPENDIYA

Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан ўзбек тилининг равнақи ва интернет тармоғидаги ўрнини юксалтиришга қаратилган “WikiStipendiya marafoni” лойиҳаси бошланганига 2 йилга яқин вақт бўлди. 2022 йил 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган тантанали тадбир олдидан ташаббускор ёшлар “WikiStipendiya marafoni” лойиҳаси тақдимотини қилган, Президентимиз уни эътироф этиб, жумладан, бундай деганди:

“Ана шу тажриба асосида интернет тармоғида ўзбек миллий контентини ривожлантириш дастури амалга оширилади. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихини матнли ва видеоконтентлар орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирнинг интернетдаги маълумотлар базасини яратиш, уларнинг асарларини оммалаштириш чораларини кўрамиз. Википедияда ўзбек тилидаги мақолалар сонини 100 мингтага етказиш ва хорижий тилларда ҳам Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш яхши самара бериши шубҳасиз. Ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм йўналтирилади”.

Эътибор ва рағбатдан руҳланган жамоа лойиҳа қамровини янада оширишга бел боғлади. Турли танловлар ташкил этилди, юзлаб йигит-қизлар лойиҳада иштирок этиш истагини билдирди. Бу эса Ўзбекистон тарихи, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатимизни кенг тарғиб қилиш, буюк олим ва мутафаккирларимиз фаолияти, ижоди ҳақида фото, аудио ва видеоресурслар жойлаштириш ҳамда оммалаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами кенгайишига ҳисса қўшди.

Жорий йил 30 майда старт олган “WikiStipendiya II” лойиҳаси доирасида “Wiki-tur”, “WikiQuiz” лойиҳалари, Ўзбекистонга оид мақолалар яратиш ва таҳрир қилиш ойликлари, мақолалар танлови, ўзбек тилидаги мақолаларни чет тилларга таржима қилиш марафони ўтказилди.

Иккинчи мавсум давомида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига доир 20 мингга яқин сифатли мақола яратилган. Шунингдек, бир ярим мингдан зиёд мақола таржима қилинган, “Wikimedia commons” интернет омборхонасига эркин фойдаланиш ҳуқуқи билан юртимизга оид 4147 та сурат юкланган.

Биргина “Wiki-tur” лойиҳаси доирасида ҳозирга қадар 1200 дан зиёд ўқувчи ҳамда талаба қамраб олинди.

Жорий йил сентябрь-ноябрь ойларида “WikiUstoz” ва “WikiTalaba” танловлари ҳам ташкил этилиб, таълим муассасалари педагоглари ҳамда ОТМ талабаларининг ўзбекча Википедияни бойитиш орқали ўзбек тили ривожи ва нуфузи ортишига ҳисса қўшиши мақсад қилинган. Бугунга келиб, ушбу лойиҳа доирасида турли ҳудудлардан 124 нафар педагог ўзбекча Википедияга ўз ҳиссасини қўшди.

— “WikiStipendiya marafoni” ҳақида эшитганидан сўнг интернет тармоғида ўзбек тилида жойлаштирилган мақолалар билан танишдим, — дейди тарих фани ўқитувчиси Маҳлиё Маҳмудова. — Кўп мақолалар қониқарсиз эди. Уларни тўлдириш, фойдаланувчиларга Ўзбекистон тарихи, географияси, маданиятига оид сифатли ва тўлиқ маълумотларни тақдим этиш истаги туғилди. Жорий йилда “WikiStipendiya marafoni”нинг 2-мавсумида “Марказий Осиё ойлиги” лойиҳасида иштирок этиб, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилояти тарихига оид мақолалар ёздим. Мавзуга доир бошқа маълумотларни таҳрир қилиб, янги тафсилотлар билан бойитдим. Масалан, Бухоро хонлигига келган элчилар, уларнинг китоблари, ёзиб қолдирган эсдаликлари, темурийлар даврининг ёрқин воқеликлари, Амир Темур ҳаёти, қурдирган иморатлари, тарихий обидалар, урушлар, шу вилоятлар ҳудудида бўлган кечмишлар ҳақидаги мақолалар ўзбекча Википедиядан ўрин олишига ҳисса қўшганимдан хурсандман. Якунда танлов ғолибларидан бири сифатида эътироф этилганим саъй-ҳаракатларим бесамар кетмаганидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Тилимиз учун” шиори остида тарғибот-ташвиқот ҳам олиб борилмоқда. Шу кунгача тарғибот тадбирлари давомида турли ҳудудлардаги 21 та ОТМ, 7 та Президент мактаби, 10 та Ёшлар марказида 3500 нафардан ортиқ қизиқувчи ёш қамраб олинган.

Юртимиз тўғрисидаги ахборотларни оммалаштиришга қаратилган “Таржима марафони” доирасида эса жами 5 та тилга (инглиз, француз, испан, немис ва рус тиллари) янги ахборотлар таржима қилиниб, мавжуд мақолалар сифатли ҳолатга келтирилган.

— Википедияга мақола киритиш кўпчиликка янгилик бўлгани боис, биз аввал видеодарслар тайёрлаб, ҳар битта иштирокчига марафонда индивидуал қатнашиши учун имкон бердик, — дейди лойиҳа раҳбари Меҳриноз Аббосова. — Чунки улар интернет тармоғидан ўрин оладиган энциклопедик мақола ҳақида тушунчаларга эга бўлиши, саҳифа яратиши, мақола киритиши керак эди.

Марафон давомида викиоромгоҳлар ҳам ташкил қилдик. Бу маҳорат дарслари вазифасини ўтади. Келгуси йилда бўладиган марафонимизда ёшлар жамоавий иштирок этади. Шу кунга қадар лойиҳада 20 мингдан зиёд ёш қатнашди. Энди улар ўз жамоасини шакллантиради. Кимдир энг яхши таржимон, яхши таҳрирчи, фотограф. Таржима, таҳрир, фото, медиаконтент — буларнинг ҳаммасини умумлаштирадиган, мақолани мукаммал, батафсил қиладиган жамоа юзага келади. “WikiStipendiya лойиҳасини бошлаганимизда 140 мингта мақола бўлган бўлса, бугунги кунда 300 мингдан ошди. Бу яхши натижа. Сон билан бирга, сифатни янада яхшилашга эътибор қаратамиз. Бунда ҳеч қанақа ёш ва соҳа чегараланмаган ҳолда жамоа бўлиб ишлаш муҳим.

Ўтган йили ўзбек тилидаги Википедияга 11 миллионга яқин кузатувчи мурожаат қилган бўлса, жорий йилнинг ноябрь ойида уларнинг сони 20 миллионни ташкил этди. Бу эса ўзбек тилида яратилаётган маълумот ва мақолалар сон ва сифат жиҳатдан ошгани, ўқувчи талабига жавоб бераётганини билдиради. Шунингдек, интернет тармоғининг миллий сегментида маданиятимиз, тарихимиз, улуғ аждодларимиз, улар қолдирган бой моддий ва маънавий мерос ҳақида ўқувчи эътиборини тортадиган ишончли маълумотлар базаси кенгайиши, давлат тилининг мавқеи ошишига хизмат қилади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1246.
43301 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:32 Топширилди — 23:45

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05